

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАХАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

170 (1690)

27 август, 1960 йил, шанба

Баҳоси 20 тийин.

Областимиздаги барча саноат корхоналаридагидек Тошкентдаги трактор йиғув заводи ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг навбатдаги пленуми шарафига муносабат билан кутиб олинди. Сўраб: корхонанинг энг илгор йиғувчи-слари ўртоқ В. Бохитов.

А. Палехов фотоси.

ТЕХНИКАДА ҳикмат кўп

Илгарилари ҳам корхонамизда ишлаб чиқариш процессларини, механизациялаш зарурлиги ҳақида кўп гап-сўз бўларди. Лекин ота-бизнинг айтганида, баъзан шу гапдан нарига ўтмасди.

Корхонамиз Халқ ҳўжалиги кенгаши ихтиёрига ўтказилди-ю, ишларимиз юришиб кетди. Соҳа-роҳдан мутахассислар келиб, фабрикадаги ишлаб чиқариш процесслари билан, маҳсулот тайёрлаш технологияси билан атроф-муҳитни таъиндилар. Қайси ишни олдинроқ, қайси ишни кейинроқ механизациялаш зарурлигини аниқладилар. Пиланлар тузилиб, режалар белгиланди.

Бу соҳада анча тажрибаси бор, ишларни йўлга қўйиб юборган ҳамкасбларимиз билан масаҳатлашмиш, улардан йўл-йўриқлар олиш зарур эди. Шу мақсадда фабрикамиз беш инженерни ўртоқ В. Осиповни бошқиб бир гуруҳга мутахассисларимиз Москвага беришди. Москва мебелчилари мутахассисларимизга жуда қimmatли масаҳатлар беришди.

Ана шу тажриба асосида бизнинг цехимизда мебеллар ишлаб чиқариш конвейер усулига кўчирилди.

Эндиликда юз амас, балки эллик ишчи сменада 150-180 тага етказиб диван тайёрламоқда. Сифат томонидан кўнглимиз тўқ. Демак шу биргина тадбир меҳнат унвондорлигини беш-олти баравар ошириди, маҳсулот таннархисини намоятирди. Бундан ташқари шу участкада ишлаётган 50 ишчини бошқа ишларга ўтказиш имконияти туғилди.

ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

— Қизиқ, бизда суюқ ой-на бошқа цехда тайёрланар эди. Шунинг учун ҳам кўп-пинча ўз вақтида етказиб берилмасди, — дейди ўшан-Тошкент экскаватор заводида тажриба алмашиш учун келган «Ўзбекхаш» қуловчилари.

Бундан ташқари экскаваторчилар

торчилар ўз цехларига унча катта бўлмаган пармалаш станогини ўрнатдишди. Бу ҳам анчагина вақтни тежаш имконини бераётган экан.

Ўзбекхашмашликлар ҳам ана шундай иш тутшига қарор қилдилар.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

Етти йиллик янгиликлари

◆ Свердловск насос заводи коллективи асосий деталлари-корпуси, илчи ёлдираги, сўзлаш қонқоғи ва приводи пластмассадан тайёрланган насос ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. У кимё саноати ва халқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларида кенг қўлланилади. Шу йил бу техника янгиликни қўшлаб ишлаб чиқарила бошлайди.

◆ Харьковдаги Оржоникидзе номи заводида 100 от қучига эга бўлган гусеницали бринчиги трактор ишлаб чиқарилади. Харьков трактор заводи конструкторларининг трактор илмий-текшириш институтини инженер-

лари билан ҳамкорликда яратган бу янги трактори «ДТ-54» тракторига қараганда катта афзалликка эга. Иккала тракторнинг умумий вазни бир хил бўлган ҳолда янги трактор «ДТ-54» га қараганда 46 от қучи кўп қувватга эга.

◆ Белоруссия ССР Фанлар академияси энергетика институтининг ходимлари ишлаб чиқаришда ҳаво температураси ва намлигини назорат қилиб турувчи дистанциал аппаратура яратди. Температура ва намликнинг ўлчаш учун ярим ўтказгичлар қўлланилди.



Смена топириқларини 107-110 процент бажараётган ўртоқ Г. Низомидинов бошлиқ новаторчилик кўрмоқдалар. Суратда: бригада аъзолари (чапдан ўнгга) А. Бурпеш, А. Зиненко, А. Қўзиёв, Г. Низомидинов ва Х. Мавлонов ўртоқлар.

В. Лейзерович фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Совет Иттифоқида

В. И. ЛЕНИНГА ҲАЙКАЛ

УФА, (ТАСС). Бошқирдистонининг пойтахти Уфа ўз чегарасини неғайтирмоқда. Бу ерда катта ер участкасида шаҳарнинг янги маркази қуриломоқда. Ҳозирқў унларча чиройлик кўп қаватли уйлар қад кўтарди.

Шаҳарнинг янги марказий майдонида меҳнаткашларнинг улут доҳиси ва устози В. И. Ленин ҳайкали тантанали ва-зияда очилди.

ТУҚҚИЗИНЧИ АГРЕГАТ

ТОК БЕРДИ

КИРОВОГРАД, (ТАСС). Кре-мечуг ГЭСининг қурувчилар ва монтажчилар коллективи қуввати 57,2 минг киловатт бўлган туққизинчи турбинани муддатидан илгари ишта туширилганлиги тўғрисида бугун рапорт берди.

Гидроқурувчилар Улут Он-таборнинг 43 йиллик байрами қунига станицияни тўла қу-ват билан ишта тушириш учун мусобақани қучайтириб юбор-дилар.

МУДДАТИДАН

ИЛГАРИ

ВИЛЬНИОС, (ТАСС). Литва иқтисодий райони саноат кор-хоналарининг коллективлари ял-ли маҳсулот ва асосий буюм-ларнинг кўпчилигини ишлаб чиқариш бўйича саккиз ойлик плани муддатидан илгари ба-жардилар.

Етти йилнинг иккинчи йи-ли бошидан бери ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу дав-рига нисбатан 16 процент ош-ди. Халқ ҳўжалиги, кенашчи-нинг корхоналари ой охирига-ча илдан ташқари юз мил-лионлаб сўмлик саноат буюм-лари ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришди.

ГАЗ КЕЛАБОШЛАДИ

ПИХВИ, (Эстония ССР), (ТАСС). Коктла-Ярвадаги слан-ени қайта ишлайдиган комби-нада ишлаб чиқарилган газ бу ерда кела бошлади.

Бу — манит учун газ ола-ётган Эстониядаги тўртинчи шаҳардир. Пил охиригача юз-ларча квартиралар газ билан таъминланади.

ВИСТАВКАНИ ЧОРАК

МИЛЛИОН КИШИ

ТАМОША ҚИЛДИ

КИЕВ, 26 август, (ТАСС). «Чехословакия 1960 йилда» деган виставка Киевда зўр му-ваффақият қозонмоқда. Даст-лабчи олти ой-ичида виставка-ни 250 минг киши келиб кўрди.

Тамонабилар эрталабдан ке-чга тўхтовсиз келиб турмоқда.

Программага мувофиқ бош-қарилган уникал автоматик станокларнинг ишини, шовку-сиз реактив тўқимачилик стан-огини, чоксиз ланпоқ ишлаб чи-қариш машинасини мутахассис-ларига эмас, балки ҳар хил касбадаги кишилар ҳам қизиқиб кўзатдилар. Енгил саноат бў-лими ҳаминча говжам бўлди. Бу ерда маданий-маиший буюм-лар, устки кишим, пойфазал, гозламаалар ва бошқа буюмлар кўрсатилган.

Виставка ишлаб турган ва-қтда унинг ходимлари келган ки-шиларнинг саволларига 50 мингга яқин жавоб қайтарди-лар.

ШАҲТЁРЛАР КУНИ ОЛДИДАН

МУНОСИБ СОВГАЛАР

Республикамиз қочегаркеси — Охангарон кўмир ҳавзасининг шахтёрлари яқинлашиб келаёт-ган ўз байрамларига муносиб

меҳнат совғалари тайёрлаш мақ-садада астойдил меҳнат қилиб, янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. 8 ойлик ёқилги қазиб чиқариш плани «Ўзбекуголь» комбинати бўйича муддатидан анча илгари — 17 августдаёқ бажарилди.

Шу кунларда сентябрь ойи ҳи-собига ишлаётган комбинат кор-хоналари ўртасида кўмир раз-резининг қончилари олинди бор-моқдалар. Разрезнинг машҳур экс-каватор машинистлари Х. Алиқу-лов, О. Абляметов ва Н. Хорош-лов сингари ўртоқлар техникадан унумли фойдаланиб, ҳар сменада планга қўшимча равишда 400 тоналдан кўмир ортмоқдалар.

9-шаҳтанинг меҳнатсевар кол-лективи ҳам орқала қолаётгани йўқ. Рўзиёев, Қосимов ва Кал-кулов ўртоқлар каби жуда кўп новаторчиликлар 9 ойлик топи-риқни бажариб қўйиб, энди-ликда октябрь ойи ҳисобига ёқил-ги қазиб чиқармоқдалар. Мамла-катимизнинг донддор шахтёрлари Николай Мамай ва Александр Кольчик ўртоқларнинг ташаббу-сига эргашган бу моҳир қончи-лар ҳар сменада пландан ташқари 3 тоналдан кўмир қазиб чиқариб, ҳаммага намуна қўрсатмоқдалар.

И. АХМЕДОВ,

А. АБДУСМАНОВ.

Техника тараққиёти — етти йиллик шиори

Биз бутун инсониятнинг аср-лар мобайнида қилган энг олий мақсади — коммунизм томон шаҳам қадмалар билан илгари-лаб бормоқдамиз. Шонли партиямиз мамлакат экономика-сини зўр бериб юксалтириш-нинг асосий йўлларини ўз вақ-тида — давр тараққиётига қа-раб белгилаб бермоқда. Халқ ҳўжалигининг барча соҳалари-да техникани бутун чоралар бил-ан тараққий эттириш — етти йилликимизнинг энг муҳим ва-зифасидир. Партия XXI съезди-дан сўнг КПСС Марказий Ко-митетининг икки Пленумида бу масала муҳим қадмалар қилин-ганлиги бунинг аққол далили-дир.

Ишлаб чиқариш процессла-рини, даставвал оғир ва кўп меҳнат талаб қилувчи ишлари-ни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш — олдинда-да турган улутвор вазифаларнинг шараф билан бажарилишини таъминловчи асосий шартдир. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми кўрсатиб ўтга-нидек, техникани тараққий эт-тириш — кам меҳнат ва маб-лаг сарфлаб, кўп маҳсулот оли-шини таъминлайди, биноба-рин Ватанимиз куч-қудратини янада мустаҳкамлайди, меҳнат-кашларнинг моддий фаровонли-гини тагин ҳам ошириш учун янги-янги имкониятларни, яра-тиб беради.

Партия қақиринга жавобан техникани тараққий эттириш учун кураш — чинакамга умумхалқ курашига айланиб кетди. Ҳар бир коллектив «Ком-мунизмга тезроқ бораёй десанг, техникани тараққий эттир», де-ган шиор остида зўр ғайрат бил-ан ижодий ташаббус кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Областимиз меҳнаткашлари ҳам мусобақа байрогини балад кўтариб, ана шу курашнинг олдинги сафда-рида бормоқдалар. Илгор кор-хона коллективлари фан ва техника янгиликларини кенг жорий этиш, технология жара-ёнларини тинмай тақомиллашти-риш, унинг янги, прогрессив формаларини топиш, поток ли-ниялар, конвейерлар барпо этиш йўли билан маҳсулот тай-ёрлашни тобора кўпайтирмоқда-лар.

«Ташселмаш» заводи бу йил пахтакорларимизга план-дан ташқари 530 та терим а-грегатлари тайёрлаб бериш ма-жбуриятини олган. Ана шу юкс-ак мажбуриятни бажариш мақсадида корхона цехлари маҳсулотининг ағир турларни тайёрлаш бўйича ихтисослашти-рилди. Қулов-цехида осма йўл ва конвейер, йиғув цехида ян-ги конвейерлар ишта туширил-ди. Буларнинг ҳаммаси ўз на-батида маҳсулот ишлаб чиқ-аришни кўпайтириш ва унинг таннархисини намоятириш им-конини берди. Машинасозлар ет-ти ой мобайнида қўшимча ра-вишда 121 та машина ишлаб чиқардилар.

Тошкент шаҳар корхонала-рида партия XXI съезидан сўнг ўтган бир ярим йил мо-байнида ишлаб чиқариш жара-ёнларини механизациялаш им-конини бериш 112 та конвей-ер ва поток линиялари, 800 та янги асбоб-ускуна ўрнатилди ва ишта туширилди. 4 мингга яқин таъкистий-тех и к з я и тадбир амалда оширилди. Бу эса йилда давлатнинг 90 ми-лион сўмликдан ортиқроқ маб-лагини тежаб қилиш имконини

берди. Халқ ҳўжалигини янги техника билан таъминлаш учун курашаётган корхона коллектив-лари машина, механизм ва ап-паратларнинг юздан ортиқ ян-ги хиллини яратдилар ва ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Бу-ларнинг ҳаммаси партия XXI съезди қарорларини амалга ошириш соҳасидаги дастлабки натижалардир.

Лекин, Тошкент область ва шаҳар партия ташкилотлари ак-тивининг йиғилишида кўрсатиб ўтилганидек, ағир шаҳар ва район партия комитетлари тех-никани тараққий эттириш маса-лалари билан системали равиш-да шуғулланмаётганлар ва бу соҳадаги ишларга юзани раҳ-барлик қилмоқдалар. Жумладан, Охангарон шаҳар партия комитети ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ошириш, янгиликларни жорий этиш маса-лалари билан мутлақо қони-қарсиз шуғулланаётган. Шу са-бабли бир қанча корхоналарда, жумладан 9-шахтада кўнгина ишлар кўп кучи билан бажари-лмоқда. Оқибатда 9-шахтада қанчалардан ҳар бир тона кў-мирнинг танархи мамлакатимизнинг бошқа шахталарида-га қараганда анча қimmatга тушаётган. Ҳўдди шундай қам-чиликларни Тошкентдаги «Ўз-бекселимаш», 1-авторемонт за-води, аэрозав ва подшипник за-водларида ҳам кўриш мум-кин.

КПСС Марказий Комитети-нинг июль Пленуми техника соҳасидаги қонқилиқни қаттиқ қоралади ва маҳаллий партия ҳамда совет ташкилотларидан консерватизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши қатъий кураш олиб боришни талаб эт-ди. Техникани тараққий этди-ришда илмий тешириш му-ассасалари ва олий ўқув юр-тларининг роли бениҳоя катта-дир. Улар ҳаёт илгари сураёт-ган муҳим халқ ҳўжалик про-блемаларини ҳал қилишнинг энг қулай йўлларини ишлаб чиқи-шлари ва етти йиллик планлари-нинг муваффақиятли бажарили-шига ёрдам берадиган янги на-лиларий тадқиқотлар, тавсиялар ва кашфиётлар билан фан ва техникаимизни бойитишлари за-рур. Шу мақсадда фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги тра-дицион ижодий ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш, унинг бе-раётган натижаларини кенг жо-рий этишга алоҳида эътибор бермоқ лозим.

Экономикамизнинг барча со-ҳаларида техникани тараққий эттириш ва шу йўл билан халқ ҳўжалигини янада тез суръат билан ривожлантириш бўйича қўйилган вазифалар маҳал-лий партия ва совет ташкилот-лари зиммасига гоят катта масъ-улиятлар юклайди. Улар омма-нинг ана шу соҳада бошлаган курашига бошчилик қилишлари, ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш масалалари билан конкрет равишда ва му-айян мақсадни кўзда тутиб шу-ғулланишлари, ижодий ташаб-бусларни қўллаб-қувватлашлари, новаторларнинг таклифлари-га ва тажрибаларига ўжардик, меҳмаслик билан қараш ҳо-ларига қарши кескин кураш олиб боришлари лозим. Янги-ликларни ўз вақтида сезини ва унга кенг йўл очиб бериш учун қатъий қарорларни қилиш, ҳар бир қосомол ва коммунистнинг шарафли бурчидир.

ЕТТИ ЙИЛЛИКНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ УЧАСТКАЛАРИДА

Қарғасим массивида

Хонобод қишлоғининг шарқи-шимолида жойлашган Қарғасим массивида кечагина жазирада қонжираб ётган ўт-ўланлардан бош-қа ҳеч нарсани учратмас эдингиз.

Эндиликда у ерда ҳаёт қайнамоқда, жўшқин меҳнат авжга чиқ-моқда. Тоғни урса талқон қиладиган экскаваторчилар ҳаммани қойил қолдиришди.

Бу массивни Охангарон цемент заводи-ни ҳаммаёй билан таъмин-лайдиган асосий манба десак хато қилмаймиз. Тош ш массивдан олиниб, шу ерининг ўзида майдаланади. Тошларни майдалаш учун иккита котлован қуриш лозим. Ҳозир унинг зовурлари қазиб бўли-ди. Бу ишда илгор экскаваторчи ўртоқ Дудаев барчага ўрнак кўрса-таётди. У топириқни 140-150 процента етказиб бажармоқда.

Шунингдек массивда омбор ва устахона қуришлари ҳам на-даллаштирилди.

Котлован 1961 йилнинг иккинчи кварталда битказилиши керак. Бироқ «Ўзбекшахтострой» трестининг 4-қурилиш бошқармасига қа-ришли участка коллективи объектин муддатидан олдин қўлдан чиқ-аришга аҳд қилди. Уларнинг шу кеча-кундуздаги ғайрат шиноати мажбуриятининг тўла бажарилишидан далолат бериб турибди.

С. ҲАЙИТҚУЛОВ.

АЖОЙИБ ТАШАББУС

Ғалбирин сувдан кўтарадиган пайт яқинлашиб келмоқда. Пахтакорлар йигим-теримга катта тайёргарлик би-лан киришиш учун қурашмоқдалар. Чўки етиштирилган ҳосили тўла-тўлиси йигиб давлат омборларига топ-шириш асосан шу ишта боғлиқ. Шу-ни яхши тушушган Марказий ме-ханизация мактаби коллективи янги ватапарварлик ташаббусини бошлаб берди.

Мактаб ўқувчилари ва педагога-рини техника ремонтда пахтакорларга яқиндан ёрдам беришга қарор қил-дилар. Шу кунларда бир неча гуру-па ўқувчилар ва ўқитувчилардан Х. Улуғбоев, Н. Усмонов, В. Пак ўртоқ-лар районнинг колхоз ва совхозла-ридаги техникани ремонт қилишга кўмаклашмоқдалар. Ҳозирча улар «Гулестон», «Социализм» совхозла-ри ва бир қатор колхозларга бориб 10 дан ортиқ пахта териш, 15 та яқин кўрак чўвин машинасини ре-монт қилиб бердилар. Ўртоқ В. Пак раҳбарлигидаги 24- гурупа «Соци-ализм» совхозида 2 та «СМ-48М» машинасини капитал ремонтдан чи-қарди.

— Бу йил етиштирилган ҳосилин-анчагина қисми машинада йигиб оли-ниш керак, — дейилад мактаб коллективи қабул қилган қарорда, — шунинг учун техника ремонтда пахтакорларга иложи борица кўпроқ кўмак берамиз. 1 сентябргача 20 та пахта териш, 30 та кўрак чўвин ма-шинасини сифатли ремонт қиламиз.

24- гурупа ўқувчилари колхоз ва совхозларнинг бошқа техникасини, жумладан ДТ-24 тракторларини ҳам ремонт қилиб бераётдилар.

Сўзимиз қатъий

— Заводимиз коллективи, — дейди корхона бош инженери ўр-тоқ А. Пулатов, — КПСС Мар-казий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга ошириш учун курашни қизитиб юборди. Тех-ники тараққий эттиришга қартил-ган тадбирлар белгиланди. Июль ойи топириқни 133,8 процент бажардик.

Ана шундай юқори кўрсаткич-ни қўлга киритган Алимкент ёғ за-води коллективи ютуқларини муста-ҳкамлаш мақсадида илгор иш ме-тодлари ва прогрессив технология-ни кенг жорий қилиш учун бош-лаган ҳаракатини тагин ҳам анж олдириб юборди. Бунда 8 ойлик топириқни муддатидан олдин ба-жарган А. Лн. Б. Болдров ўртоқ-лар бошлиқ бригадалар аъзолари мақтовга сазовор ишлар қилдилар.

Корхона коллективи йиллик топириқни 10 декабргача бажари-ш ва пландагидан ташқари ярим миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга сўз берди.

М. ОДИНОВ.

Физикларнинг халқаро ҳамкорлиги

ДУБНА, (Москва области). 24 ав-густ, (ТАСС). Совет олимларининг бир гурупаси (27 киши), шунингдек халқ демократияси мамлакатлари-нинг олимлари самолётда Rochester (АҚШ) шаҳрига учиб кетдилар. Улар 25 августда очиладиган юксак энергиялар физикаси бўйича Х халқ-аро конференцияда қатнашадилар.

Вужудга келган традицияга би-ноан, бундай конференциялар ҳар йили уч мамлакатда — АҚШ, СССР ва Швейцарияда ўтказилади. Олин-ги IX конференция 1959 йил июль

ойида Киев шаҳрида катта муваф-фақият билан ўтган эди.

Юксак энергиялар физикаси — замонавий адро физикасининг энг илгор йўналишларидан биридир. У элементар заррачаларни ва элемен-тар ўзаро таъсирни ўрганади. Совет олимлари ва социалистик мамлакат-лардаги уларнинг коллегалари Ро-честерда ўзларининг энг янги асар-лари ҳақида доклад қиладилар. Бу асарлар Дубнада, шунингдек бошқа бир қанча институтларда яратилган-дир.



Янгийўда районидagi «Коммунизм» колхозининг чорвадорлари гўшт, сўт еттиштиришни кўпайтириш йўлида янгида-лиги ютуқларини кўлга киритмоқдалар. Колхоз фермасида чорвадорларга маданий хизмат яхши йўлга қўйилган. Зоотехник-агитатор Наримон Вонсев сўт соғувчиларни кундалик ийгиликлардан ўз вақтида хабардор қилиб туради. Суратда: ўртоқ Наримон Вонсев сўт соғувчиларга газетанинг навбатдаги сонини ўқиб бермоқда.

О. Қозоқбоев фотоси.

П А Р Т И Я Т У Р М У Ш И

Агитатор отахон

Лутфулла ота эндиликда дам олишни керак эди. Чунки у бу йил 67 ёшга қадам қўйди. Бексаларнинг ҳордиқ чиқариши учун қолхозда барча қудай шарт-шароитлар мўҳайё. Лекин, отанинг кўпдан ажралмаси келмади.

— Ҳамма далада тер тўқиб ишласин-у, мен уйда қўл қовуштириб турсам, иссофдан бўлсам, — деб кўнглидан ўтказиб қўйди-да, қолхоз идораси томон йўл олди. Лутфулла ота партомни йўлда учратди. Улар анчагача сўхбатлашган, отахон асл мақсадга кўчди:

— Бекор туравериб зерикиб қолдим, бирор топириқ бўлса, бажариб турсам дедим.

— Сиз қиладиган иш кўп-кўя отахон, кексасиз, вақтида роса ишлагансиз. Дам олаверсангиз...

— Жуда бўлмаса агитаторлик қилсам. Эски касбим...

Отахоннинг сўзи ерда қолдирилмади. У 1-бригадага агитатор қилиб рўйириди.

— Далаи айланиб, ёзанинг аҳволи билан танишаман. Ишга ким қандай қатнашапти. Ким дигор, ким қолоқ, бунисини ҳам аниқлайман. Шундан сўнг сўхбат ўтказаман...

Лутфулла ота шундай ҳайларга берилиб, далага етиб келганлигини ҳам сезмай қолди.

Лутфулла ота ишга бел боғладан. Дастлаб у ўзига эски қадрдон бўлган мажор бригада аъзоларининг юрагига қўл солиб кўрди. Бу ердигилар билан кетма-кет сўхбатлар ўтказди. Фойдаланилмаган резервларни аниқлади. Унинг ташаббуси билан ёзга парваршига 20 га яқин қўшимча ишти киши жалб этилди.

Агитаторнинг меҳнати ўзининг самараси натижаларини берди.

М. МУРОДОВ.

Оққўрғон районидagi Во. рошилов номли қолхоз.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР ЯХШИЛАНСИН

Яқинда Тошкент шаҳар Ленин район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум хотин-қизлар ўртасида тарбиявий-сиёсий ишларни яхшилаш масаласини муҳокама қилди.

Докладчи—район партия комитетининг секретари М. Маргянова ва музокарада сўзга чиққан ўртоқлар сўнгги йилларда партия ташкилотлари хотин-қизларни жамоат ва сиёсий ишларга тортиш юзасидан маълум даражада иш қилганликларини қайд қилдилар. Райондаги хотин-қизларнинг юздан ортиги республика ва маҳаллий советларнинг депутатлари. Кўпгина хотин-қизлар партия комитетларига, бюро аъзолари составига сайланганлар.

Қорхоналарда ишлайётган хотин-қизларнинг сон 40 мингга етади. Булардан 203 хотин-қиз коммунистик меҳнат бригадалари номини олиш учун курашаётган илгор бригадаларга бошчилик қилаётдилар.

Пленумда хотин-қизлар билан ишлаш соҳасида йўл қўйилаётган қатор жиддий камчиликлар очиб ташланди. Пленум қатнашчилари саноат, транспортда, қурилиш ташкилотларида, халқ маорифи, соғлиқни тақдлаш бўлимларида, савдо ва умумий овқатланиш шохобчаларида ҳам хотин-қизлардан раҳбарлик ўринларида кам кўтарилаётганлигини алоҳида қайд қилиб ўтдилар. Айниқса бундай ачинарли фактун «Красная заря» фабрикаси, кимё-фармацевтика заводида, Таштрамда учратили мумкин.

Маҳаллалардаги хотин-қизлар ўртасида тарбиявий-сиёсий ишлар ёмон ташкил қилинган. Хотин-қизлар советларининг фаолиятини яхшилашга жиддий эътибор берилмапти.

Пленумда хотин-қизларнинг меҳнатларини енгиллаштириш ва улар-

нинг маданий дам олиб, кўнглини ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шароитлар яратиб бериш ҳақида қимматли таклифлар ўртага қўйилди. Тошкент товар станцияси партия ташкилотининг секретари Н. Абуткин ва «Красная заря» фабрикаси партия ташкилотининг секретари Л. Жарикова, Таштрамдаги хотин-қизлар советининг раиси Бедоусова ва бошқа ўртоқлар районда бошқалар муассасаларининг сонини янада кўпайтириш заруратини айтидилар. 4-туркухонанинг мудир ўртоқ Э. Нисекая ўз сўзида болали хотинларга медицина хизмати кўрсатишни яхшилашга эътибор бериш кераклигини ҳақида таъкирди.

Пленум хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган тарбиявий-сиёсий ишларнинг савилсини тубдан яхшилаш, хотин-қизларнинг ўқиб билим олишларига, ишлаб чиқариш касбларини пухта ўрганишларига, техника билимларини етлашларига қўшдан ёрдам бериш, уларни дадиллик билан раҳбарлик ўринларига қўтариш ва жамоат ишларига тортишни тубдан яхшилашни район партия комитетидан ва бошлангич партия ташкилотларидан қатъий талаб қилди.

Пленумда ташкилий масалалар ҳам кўрилди. Пленум ўртоқ Г. Светленконинг Охангарон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланганлиги муносабати билан уни райкомнинг иккинчи секретари ва бюро аъзолиги вазифасидан озод қилди.

Район партия комитетининг иккинчи секретари қилиб бюро аъзоси ўртоқ В. Окунский сайланди.

Пленум ишида шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари ўртоқ П. В. Каймаков иштирок этди.

Ўзбекистон комсомол Марказий Комитетининг пленуми

24 августда Ўзбекистон комсомол Марказий Комитетининг VIII пленуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ЖКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Иброҳимов «ЖКСМ Марказий Комитети VIII пленумининг ахбороти ва республика комсомол ташкилотининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари И. Е. Барков, Самарқанд область комсомол комитетининг биринчи секретари Ф. Махсумова, Кўқон лойпоқ-йигиринч комбинати комсомол ташкилотининг секретари Р. Усмонова, Қорақалпоғистон область комсомол комитетининг биринчи секретари У. Тлеумуратов, революцион ва меҳнат шухрати Тошкент клубининг аъзоси Р. Усмонов ва бошқалар республика комсомол партия ташкилотининг раҳбарлигида ишларни техника тарқатди эътириш учун курашга жалб этиш соҳасида бир қанча муваффақиятларга эришганлигини таъкидладилар.

Еш рационализаторлардан етти мингдан кўпроқ кишининг шу йил бошидан буюн рационаллаш ҳақида қиритган 7100 таклифини ишлаб чиқаришга жорий қилиш натижасида 70 миллион сўм тежалди. Еш ишчилардан 76 мингдан кўпроқ киши 1961 — 1964 йиллар ҳисобига маъсулёт ишлаб чиқармоқда. Коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорлари номини олиш йўлидаги ҳаракат тенгайиб кетди. Комсомол ўз оталигига олган етти йилдакининг энг муҳим объектлари — Охангарон ГРЭСи, Фарғона нефть тозалаш заводи, Жарқоқ — Тошкент газ қувури қурилиши графикдан олдинда бормоқда.

Шу билан бирга пленумда таъкидлаб ўтилганидек, баъзи комсомол ташкилотлари ишлаб чиқаришни таъкидлаштиришга ҳали кам эътибор бермоқдалар. Прогрессив меҳнат усулларини, жумладан, пайванд ишларининг янги методларини жорий қилишга чинакамга киришмаган «Ташсельмаш», «Ўзбексельмаш», за-

водларининг комсомол ташкилотлари танқид қилинди.

Пленум қатнашчилари ёшларнинг дам олишини ахши уюштириш зарур эканлиги тўғрисида кўп таъкирди. Коммунистик жамият кишини тарбиялаш учун клуб, кутубхона, кинотеатрлардан ахшироқ фойдаланиш керак. Қишлоқ ёшларининг дам олишини ташкил этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Иккинчи масала юзасидан — «1960 йил пахта ҳосилини машинада теришга тайёбланиш ва бу ишни бажаришда область комсомол ташкилотининг иштироки тўғрисида» Тошкент область комсомол комитетининг биринчи секретари У. А. Абдуразақов доклад қилди.

Республика пойтахти Тошкент областининг комсомоллари партия ва ҳукуматнинг пахта етатиришини комплекс механизациялаш тўғрисидаги кўрсатмасини бажара бориб, техникани теримга тайёрлашда актив қатнашаётганликлари қайд қилинди. Ёшлардан тузилган 30 бригада 750 терим агрегатини ремонтдан чиқарди ва яроқсиз деб ҳисобланган 310 машинани тузатиб, терим олдинда тахт қилиб қўйди. Саноат қорхоналарининг ёш ишчилари бу ишда қишлоқ ёшларига конкрет ёрдам бермоқдалар. Қишлоқ механизаторларининг кўпи қишлоқ хўжалик техникасини етказиб бераётган заводларда тайёрланган ўтказилди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Силос бостириш пайсалга солинмоқда“

Газетамизнинг шу йил 2 август сониди юқоридаги сарлавҳа остида танқидий материал босилиб чиққан эди. Унда қишлоқ мухбири ўртоқ Т. Хушнараров 1-«Охангарон» совхозидан силос бостириш нечкитириллаётгани, траншеялар қазиб сўст бораётгани, макнажхўри ўриш учун комбайнлар, поля ташими учун машиналар ажратилмаётганини танқид қилиб, аҳвол шундай давом этса 8 минг тонна силос бостириш хавф остида экани ўрсатиб ўтилган эди.

Яқинда ана шу танқидий мақолага

Пленумда сўзга чиққан ўртоқлар пахтаи машинада теришга тайёрларлик ишларида республика ёшларининг иштироки тўғрисида гапириб, 7 минг киши механизация мақсадлари ва курсларига юборилганлигини, 757 машина ҳайдовчи «ХС-1,2» машиналарида ишлаш учун қайтадан тайёрланганлигини айтидилар. Пахта териш машинасининг долдор механизми Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсувой Охунваннинг элидан бораётган бир мингдан кўпроқ киши теги орада пахта териш агрегатларини ошқаради. Техникани тахт қилиб қўйиш соҳасида кўп иш қилинди. Бир қанча саноат қорхоналарининг ёшлари ҳам бу ишда қатнашдилар.

Пленумда техникани пахта терим кампаниясига тахт қилиб қўйиш ишларининг қондиқсиз олиб борилаётганига ҳануз тоқат қилиб келаётган ва механизатор қадрларини тайёрлаш юзасидан берилган топириқларни бажариётган айрим комсомол ташкилотлари танқид қилинди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзладди.

Пленумнинг ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Ф. Е. Титов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Г. А. Габриельянц, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Қ. М. Муртазоев қатнашдилар.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. (ЎзТАГ).

жавоб олди. Охангарон шаҳар иккинчи комитети ва 1-«Охангарон» совхозидан раҳбарлари амалий тадбирлар белгилашибди:

Жавобда ёзилишича, силос бостириш мақсадлаштириш мақсадида механизатор ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг йигилиши ўтказилган. Силос агрегатларига техника хизмати кўрсатиш учун умул-пред-вижналар биритилган, Охангарон шаҳар автобазаси силос бостиришни тезлаштириш учун 21 автомашинани анратиб берган.

Пахта териш машиналари шай қилиб қўйилсин

Пахтаи машинада теришга тайёрларлик қандай бормоқда, бу ишда қасаба соғиз ташкилотлари қандай иштирок этмоқда? Қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ишчилари ҳамда хизматчилари қасаба соғиз-республика комитетининг 25 августда бўлган пленуми ана шу масалани муҳокама қилди.

Пленумда «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг ишчилар комитети намуна қилиб кўрсатилди. Бу совхознинг ҳар бир бўлимида ҳосилини механизатор ёрдамида теришга тайёрларликнинг сифати устидан жамоат контроль постлари ташкил этилган. Ҳамма механизаторлар оширилган мажбуриятлар олдидан, илгор механик ҳайдовчилар эса мавсумда 200 — 250 тонна пахта теришга аҳд қилдилар. Кўчма Қизил байроқ таваси этилди. Бу байроқ муқофот билан биргаликда ҳар беш кунда энг ахши механик-ҳайдовчига берилади. Совхоздаги ҳамма 64 пахта териш агрегати шай қилиб қўйилди.

Пленумда машина ҳайдовчи қадрлар тайёрлаш, механизаторларнинг техника даражасини ошириш, хирмонларда ва сушчиларда меҳнатини ташкил қилиш, транспорт воситалари ва тош-тарози хўжалигини тайёрлаб қўйиш юзасидан таъриб умуллаштирилди.

Ҳосилин машинада терим бошлангунча совхозларда терим техникасининг тайёрлигини, гўза бартини тўқилишини ўз вақтида амалга оширилишини жамоат кўригидан ўтказилиш ва ўзаро текшириш қарор қилинди. Пленум пахта териш машиналарининг гуруҳа бўлиб ишлашидек прогрессив усулдан кенг фойдаланишни, пахтаи қоп-қанорсиз ташилини яхши ташкил қилишни тавсия этди. Қасаба соғиз ташкилотларига механик, заторлар мушобакасини оператив тарзда яқунлаб туриш, машиналар ишнинг қатъий ҳисобга олинишига эришни, терим машинасини ҳайдовчиларга иш ҳақини тўғри ҳисоблаш, дала ишчиларида умумий овқатланишни ахшилаш таклиф этилди. (ЎзТАГ).

Боққа айланди

Агар Оржоникидзе районидagi «Сталинград» колхозининг боғига кириб қолсангиз баҳрингиз очилди. Узум, шафтоли, олма ва бошқа медалар нишиб ётибди. Бу ер илгари янтоқзор тепа эди. Ҳозир серхосил боққа айланди. Қолхозда 38 гектар тоқзор бор.

Боғбонлар бу йил ҳар сектар ердаги узумдан 10—11 тоннадан ҳосил олишни мўлажаллаштилари.

С. Мирзалиев.

Калинин районидagi Карл Маркс номли колхозининг сўтовар фермасида иш қилгани. Бу ерда 10-синфин битириб сўт соғувчи бўлиб ишлайётган ёшлар кўп. Улар колхозининг тақрибга ил сўт соғувчиси Бўриниса опа Исҳоқова раҳбарлигида ситгирлардан тобора кўп сўт соғиб олиш учун курашмоқдалар. Суратда: чапдан) Бўриниса опа Исҳоқова шоғирлари — комсомол аъзолари Ўткирой Йўлдошева ва Муқаддас Нишоновлар билан сўхбатлашмоқда.

В. Лейзерови фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

СОЦИАЛИЗМНИНГ БУЮК ПРИНЦИПИ

ИШЛАМАГАН—ТИШЛАМАЙДИ

Максим Горькийнинг «Менинг университетларим» автобиографик повестида бутунли куз кунларидан бирда тошга ўтириб қолган барқадан юкин жадал тушириб олишга бел боғлаган ючиларнинг кишини тўқинлантирувчи меҳнати тасвирланган бир лаяҳа бор. Волгалликлар «иш деган мана бундай бўлади», деб кўрсатишмоқчи бўлиб, шавқ-аваб билан ишлашди.

«Шу кечани мен халигача сира тулмаганим севинч билан ўтказдим» — ҳикоя қилади Горький. — Завқ-шавқ билан жўш уриб кетган бундай кучга ҳудди ҳеч нарса тоб бера олмайдигандек кўринадим, бу куч ер юзиди мўъжизалар яратишга қодир, ҳудди баширатиб эртақларда айтиладигандек бутун ер юзини бир кечадаёқ гўзал ва муҳташам саройлар ҳамда шаҳарлар билан тўлдириб ташлай оладигандек туюлади».

Лекин шу пайт Башкин номли ўғри Горькийнинг олдида келди-да, унинг ҳечрасида қувоват аломатларини кўриб, сўзлади:

— Сени нима қилишди?

Горький бутун қалбини тўқинлантираётган азойиб сезгисини изҳор қилишга уринди. Башкин унинг гапларини эшитган бир хўрсинди-да жикранили билан:

— Аҳмоқ, Аҳмоқдан ҳам баттар овар, тентак!... — деди.

Бу сўзларда капитализмнинг меҳнатга нисбатан паст назар билан қараш тенденцияси яққол ифода

ланган. Капитализм меҳнатни меҳсимаслигини тартиб этади, кишиларни шунга ўргатади. Кишини киши томонидан эксплуатация қилинишига асосланган буржуа жамияти меҳнатни кишига, жонга теккан жикранч юкка айлантириб қўйди, меҳнатнинг шавқ-завқ ва қувончини маҳв этди. Буржуазия ҳукмронлиги даврида кишиларнинг жамиятдаги ўрини, нуфузини меҳнат эмас, капитал белгилайди. Бу жамиятда К. Маркс ва Ф. Энгельс айтганларидек меҳнат қилган ҳеч нимасиз қолди, ҳамма нарсага ага бўлганлар эса меҳнат қилмайдилар. Капитализм дунёсида меҳнат аҳли эмас, балки ишбилармон олиир, савдогар, эксплуататор кўкларга кўтариб макталади.

Масалан, ҳаммага маълум ва машҳур инглиз-америка справочниги «Ким қандай одамни варақлаб кўринг. Ундан меҳнатда ўрнат қўрсаттаган кишиларни излашнинг беҳуда. Лекин халқдор аъзувчилар ва таловчилар, Рокфеллер ва Морганларнинг биографияси гўё қаҳрамонна ишлар солломасидек кенг баён қилинганлигини кўрасиз.

Капитализмнинг аҳлоқи ва идеологияси кишини аҳлоқдан бузуқ қилиб қўяди, шахсиятпарастликка, гаврағўйликка, таъмағирликка, оқ-қўлаликка, бировлар ҳисобига ахши ялашга итилишга ўргатади. Капитализм дунёсида энг аъзу ва энг муштараб истак-меҳнат қилмаслик, жамият баланига тушган нурт бўлиб парантларча худбинлик билан кун кўришдан иборатдир.

Мамлакатимизда социализм талаба қилини билан капитал ҳукмронлиги ўрнига меҳнат ҳукмронлиги ўрнатилди. Жамиятнинг мулкдор-

техникхўрларга ва камбағал-меҳнаткашларга бўлинишига барҳам берилди. Совет ҳукумати ўрнатилган дастлабки кундан бошлабқ ҳамма ишчи-халқ керак деган талабни олға сурди. 1917 йил декабрь ойида В. И. Ленин «Ишламаган тишламасин» — социализмнинг амалий шиори маъну шу, уни амалда йўлга қўйиш керак, деб ўқтирди.

Ҳудди шунга биноан 1918 йилда қабул қилинган биринчи Совет Конституциясида меҳнат қилиш республикадаги барча гражданиларнинг бурчидай деб таъкидланди. Совет ҳокимиятида «Ишламаган—тишламайди» деган шиорни ташлаб билан эксплуататорларга, шунингдек техникхўрларга, дангасаларга, ўғирларга, эски жамият аҳлоқи ва ярамас одамларини ташувчиларга қарши кураш бошланди.

Социализм меҳнатни эксплуатация аэобидан озод этди, уни ижтимоий шон-шухрат билан қамраб олди, юксак олижаноб мақсадлар билан руҳлантирди. Меҳнаткашлар ўз мамлакатларининг эгаси бўлиб қолган, тарихда биринчи марта бир тўда эксплуататорларни бойитиш учун эмас, балки умуман бутун жамият манфаатлари учун ва хусусан ҳар бир меҳнаткашнинг манфаати учун, ер юзидан энг адолатли ижтимоий тузум қуриш учун ишлаш имкониятига ага бўлдилар.

Булларнинг ҳаммаси кишиларнинг меҳнатга нисбатан муносабатини тубдан ўзгартиришга, Ленин айтганидек, буржуазияни асгаридан кам аҳамиятга ага бўлмаган ўзгартириш бузугда келтиришга олиб келди. Бунинг хайратланарлигидан ери йўқ! Ахир бу ерда гап киши онгини тўқдан ўзгартириш тўғрисида, асрлар

лавомида эксплуататорлар учун мажбуран ишлаш натижасида ўрганиш бўлиб қолган одамларни йўқотиш тўғрисида бораётди.

Асрлар мобайнида эксплуататорлар ҳамма чоралар билан хўрлашга иштилоб келганлари меҳнат бизининг мамлакатимизда буюк ва ҳақиқий қадр топи, меҳнат шон-шараф иши, мардлик ва қаҳрамонлик иши, кишининг жамият ва халқ олдидаги энг биринчи бурчи бўлиб қолди. У кун кегириш, очдан ўлмаслик воситачилигидан кишининг энг биринчи ахтиёжига, ижодий севинч тугдиралди, халқнинг умумий ишига ҳисса қўшаётганини сездирадиган воситага айланиб бормоқда.

Меҳнатга янгича, коммунистик муносабатда бўлиш, ленинча коллективизм принципини совет кишиларининг аҳлоқ нормаси бўлиб қолмоқда. Коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари ҳаракати бунинг ёркин далилидир. Ҳозирги пайтда 5 миллиондан ортиқ ишчи, хизматчи ва колхозчи бу ҳаракатга қўшилди. Чинакам умумхалқ ҳаракатига айланиб кетган В. Гаганова ташаббуси ҳам бунинг далилидир. Жамиятимизнинг кундалик ҳаёти омманнинг меҳнат қаҳрамонлиги билан тўлиб-тошгандир.

Коммунистик партия тарбиялаб еттиштирган совет кишини — коммунизм учун хормай-толмай ишлайдиган меҳнатшам ва жангчилар. Ўз ҳаётини юксак ва катта мақсадларга иштилоб билангина тўла деб ҳисоблайди. У бутун халқ билан қамбарчас боғланган ва келажак ҳаётини қуришда актив иштирок этади. Совет кишилари ҳаётга тўла шахсий манфаатлар, обиваётларча худбинлик нутдан-назаридан эмас, балки бутун жамият манфаатлари, нуктан-назаридан қарайдилар, бутун мамлакатни, келажакни ўйлаб иш тутадилар.

Совет кишининг бундай ҳусу-сиятлари капитализм сиёсатдонлари

ва идеологияларини хайратда қолдираётди. Улар совет кишиларининг аҳлоқдан устуи эканликларини чорпачор тан олишга мажбур бўлмоқдалар. Шу муносабат билан «Джентрал фудс» корпорацияси правлениесининг раиси Г. Мортимернинг «Стивенс Индикейтор» журналида ёзилиб чиққан мақолаеси характерлидир.

Америкалик бу фойдахўр яқинда СССРга келиб кетди. Ўз ватанига қайтиб борган у совет мамлакатидан олган таассуротлари ҳақида сўзлаб беришга қарор қилди. «Мен, — деб ёзди Мортимер, — Советларнинг «смафий қуроли»ни билиб олганга ўхшайман. Менимча бу қурол — асосан умумий мақсадга эришиш учун ҳаммада истак аўрилиш ва халқнинг шу мақсад учун меҳнат қилаётганлигидан иборат... Энди уйимга қайтиб келиб, ўз таассуротларини тахлил қилиш имкониятига ага бўлганамдан кейин мен Россиянинг энг катта активи халқнинг меҳнатга нисбатан муносабатидир, деб янада кўпроқ ишонмоқдаман».

Ҳақиқатан ҳам руҳлантирувчи, илҳомлантирувчи меҳнат бизнинг коммунизм учун курашдаги асосий қуролимизидир, меҳнатга ва ижтимоий бурчага ижодий, онган муносабатда бўлиш эса совет кишининг олижаноб аҳлоқий қиёфасидир.

ЖКСМ Марказий Комитети июль Пленуми қарорларига таъкидлаб ўтилганидек совет халқи кишининг моддий ва маънавий ахтиёжлари тўла қондирилишини таъминлайдиган буюк мақсадди — мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш мақсадини амалга ошириш йўлида олган юксак меҳнат мажбуриятларини шараф билан бажармоқда.

Бирок коммунистик ингиллик стихии яли равишда таътиқланмайди, балки у халқ ҳам баъзи жойларда илдин мустаҳкам бўлган эскилик сарқитларига қарши кескин кураш натижасида қарор топади. Соф виждонли

меҳнаткашлар билан бирга онда-сонда аяқовлар, ишқемаслар, ижтимоий фойдала меҳнатдан беш тортувчилар ҳам учраб туради.

Яқов ва ишқемаслар ҳар ҳил бўлади: ўғри ва бекорчилар, олиб-сатар ва текинхўрлар, товламачи ва юлгичлар, катта бўлса ҳам ақли кирмаган арзанда ва «сувуқли» йигит-қизлар шулар жумласидандир. Буларнинг ҳаммаси жон қойитмай яшашга, жамиятдан, халқдан кўпроқ олайин-у, лекин меҳдан ҳеч нарса талаб қилишмасин» деган қондада амал қилиб яшайдилар. Буларнинг баъзилари «ёғлик» ва «қулай» жой қидириб ўзани ҳар томонга уради, агар шундай жойни топа олмаса, бошқалар ҳисобига яшаб яраверадилар, ҳатто гайри-қонуний машғулотларга берилиб кетади. Ўзгариб халқ кишилар эса мол-мулк ортириш касалига мубтало бўлганлар. Улар дефитит товарлардан тортиб, уй-жой олиб сотишдан ҳам қайтмайдиған кишилардир. Уларнинг истаги бита — у ҳам бўлса нуд топиш.



Юксак мажбуриятимизни қоплайдиган даражада мўл ҳосил тўплайлик!

Гигант хўжалик далаларида

Кун пешиндан оқанда қол-хўзга етиб келдик. Далага чиқибдан олдин ишнинг бошланишига билиш мақсадида илгарида келдик. Бизни ўрта бўйли, қорачадан келган, хўш табиат киши кўтиб олди. Бу қолхўз экономисти Бурхон ака эди.

— Қолхўзимизнинг умумий майдони 2470 гектар,— деб тушунтирди Бурхон ака,— бундан 790 гектарига чигит экканми, 100 гектар боғимиз бор. Қолган ерларда бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ўстирилади. Экономист пахтачиликнинг ривожланиб бориши тўғрисида гапирар экан, бизни 2-бригада далоли томон бошладди.

— Бригадир Ўсар, асл деҳқон,— деб тушунтириб борди у,— ҳозирги пайтда унинг ҳар туп гўзасида 9—10 тадан юксак бор. Ҳар гектар ердан 45 центнердан пахта топириши учун кураш кетапти.

Мана, биз бригада даласидамиз. Бурхон ака ҳақ гапларни айтди. Миришкор бригада бошлиқ қолхўзларнинг фидокорона меҳнат қилаётганлигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Бир текисда ривожланаётган гўзалларда қўшқар, гўл ва шоша сероб эди. Бу сутуриш, култивация, озиклантириш ишларининг бир-бирига боғлаб ва ўз вақтида ўтказилаётганлигининг натижасидир.

Моҳир сувчилардан Суяр ота Исабеков ва Маҳкам ота Ис-

кандаровлар гўзага шарбат суви оқизашаяпти.

— Сувчиларимиздан миннатдоримиз,— дейди бригадир Ўсар ака, улар ҳар кун 1.5—2 гектар ерга шарбат суви оқизашаяпти. Ҳозиргача ҳар гектар ерга 700 килограмм гўнг, 300 килограмм фосфор солдик. Гўзаларимизни 5 марта узунасига 4 марта қўндалангига қудратидан чиқараяпти.

Барот Тўрабоев, Бозор Мир-оқбоев сингари механизаторлар ҳам гайрат кўрсаташаяпти. Улар ҳар кун 8—10 гектар гўзани култивациядан чиқармоқдалар.

Қолхўзнинг Ёқуб Сариев, Аҳмаджон Сиддиқов, Қўриқлар бошлиқ бригадаларда ҳам фидокорона меҳнат қилиб, ишчи кучлари ва техникадан моҳирлик билан фойдаланиб, мўл ҳосилга эришган яратётган кишиларини учратдик.

Қолхўзда гўза парвариши билан бир қаторда йилгиларнинг ҳам тайёргарлиги кўриляпти. Мавжуд пахта терим машиналари ремонтдан чиқарилади. Янги-дан 4 та ХВС—1.2 пахта терим машинаси сотиб олинди. Механизаторлар машина теримига ҳамма нарса тахт қилиб қўйиш учун курашмоқдалар.

**И. ҚҲҶОРБЕКОВ,
Ш. ҚОЛМУРДОВ.**
Янгиёул районидagi Хрушчев номи колхоз.



Юқори Чирчиқ районидagi Свердлов номи колхоз аъзолари ҳар гектар ердан 170 центнердан қанол пояс олиш учун курашмоқдалар. Суратда: колхозда қанол ўриш пайти. Г. Пун фотоси. (ЎЗТАГ фотохроникаси).

Машина теримига тайёргарликни текширамыз ИККИ АНТИМЕХАНИЗАТОР

Мақоламизнинг сарлавҳаси газет-хонларни хайрон қолдирса керак. Негаки, ҳозирги замон техника замони бўлиб қолди. Деҳқонлар механизация туфайли кишининг етти ух-лаб тушига кирмаган улкан қалабаларни қўлга киритмоқдалар. Шундай экан, механизацияга қим қарши чиқари?

Афсуски, шундай кишилар ҳозир ҳам бор экан. Биз улардан иккитасини топдик. Мана уларнинг адреслари: «Сирдарё» район. Охунбобоев номи колхоз, раис Асадулла Убайдуллаҳўжаев. Ўша район, «Ўзбекистон» колхоз, раис Муҳиддин Алимуҳамедов.

Танни 1959 йилдан бошлаймиз. Охунбобоев номи колхоз 400 гектар ерни машина теримига ажратди. Раис Асадулла Убайдуллаҳўжаев оғизда ҳамма ишни тараққий деб юборди. Ҳаргача механик-хайдовчилар актрети. Техникада ғўза вақтида ремонт қилди. Аммо бошқа томондан ишчи қўли ҳоҳлаганича қилиб «боглаб» қўйди. Андиқор қилиб айтганда, гўзани машина теримига мослаб ўстирмади. Бунинг устига дефляцияни атайин сифатсиз ўтказди. Терим машиналарини бир юргизиб қўйиб, кейин «ни-ма қилди, машиналар пахтага яхши теролмаяпти, ҳосил ноёб бўлаяпти» деб туриб олди.

Район раҳбарлари машина теримини планини бажаришиш учун курашдилар. Бироқ раис уларни ҳам алдади. Оқибатда 400 ўрнига 57 гектар ерининг пахтаси, яъни бор-йўри 135 тонна ҳосил машинада терилди. Берилаган план фақат 14.2 процент бажарилиди. Колхоз бу ишдан фойда эмас, зарар кўрди. Чунки техника ремонтга қанчадан-қанча қимматли вақт, ишчи кучи кетди. Бунинг учун одамларга мўмай-мўмай меҳнатлар эълан, чирвон-чирвон пул тўланди. Механизатор қадрлар тайёрлашга маблағ сарфланди. Гўзанинг барини тўқин учун қанчадан-қанча қимматли дорилар кетди. Терилган пахта эса 135 тонна! Муҳиддин Алимуҳамедов раислик қилаётган «Ўзбекистон» колхозда ҳам худди шундай аҳвол юз берган эди. Жуда кўп

гани йўқ. Яна 6 та ашпарат тайёр бўлибди деган гаплар бор. Бироқ булар ҳам қуруқ гап, ҳолос. Чиндан ҳам шундайми ёки йўқми, бу текширишдан кейин маълум бўлади. Ҳозирча бу тўғрида на ақт бор, на тил учиди экан. Ҳозирги кунда машина теримига тайёргарлик соҳасида рўй бераётган аҳвол буни аққол исботламоқда.

Бу йил колхоз 900 тонна пахтани машинада теримига ажратди. Бироқ хўжаликдаги пахта терим, қўшқар чўши машиналарини ремонт қилиш ҳанузгача судралмаганда, бу, ўтган йилги ҳаётларнинг яна такрорланишидан дарак бериб турибди. Текшириш натижасида колхоздаги 10 та қўшқар чўши машинасида 4 таси ремонт қилинган, улар ҳам талабга тўла жавоб бермайдилар деб топилди. Пахта терим машиналари эса ремонт қилиш уқбада турибди, бири колхознинг у четиди, бири бу четиди чочилиб, занг босиб ётибди. «Ленинизм» уластқасидан аҳвол бунга аниқ мисолдайди. Бу ердаги 3 та терим машинаси одамларнинг томоғқасида турибди. Бу машиналар ўтган йилги пахта далаларидан шу ерларга келтириб қўйилган-у, колхоз раҳбарларининг ёлдан чиққан. Агар ҳеч қандай индамаса, машина «шўр»ликар бир неча йиллаб шу жойда туриб, чириб йўқ бўлади.

Колхозда механик-хайдовчилар етишмайди. Бу йил мавжуд терим машиналарини ишлатиш учун яна 8 механизатор керак. Райондаги ҳар иккала РТСда механик-хайдовчиларни қайта тайёрлаш курси очилган; бироқ колхоз бу курсга бирорта ҳам одам юбормади. Хўш, бу аҳволини нима деб баҳолаш мумкин? Ҳам сениб, ҳам хўжалик аҳамиятини ақд бўлган бу муҳим ишга шундай муносабатда бўлиш мумкинми ахир. Аҳо! Механизацияга қарши кишиларгина шундай йўлдан боради.

Машина теримига тайёргарлик Охунбобоев номи колхозда ҳам ёмон аҳволда. 10 та пахта терим машинасида эдишгига биттаси ремонт қилинибди. У ҳам комиссия томонидан текширилиб қабул қилиб олин-

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

ТАЪЛИМНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН БОҒЛАБ...

Тошкент шаҳар Киров район халқ маорифи бўлими ходимлари мактабнинг турмуш билан алоқасини муштамлаш соҳасида қатор ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ўтган ўқув йилида райондаги деярли ҳамма мактабларда ишлаб чиқариш таълими гўза жорий қилинди. Меҳнат дарси ўтказиладиган устхоналар зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ҳозир қўшқар мактабларда ўқув-тарбия участкалари ишлаб турибди.

Партия ва совет ташкилотлари ҳамда жамоатчиликнинг яқиндан кўрсатаётган ёрдами туфайли янги ўқув йилидан бошлаб райондаги 10 дан ортиқ мактабда машғулотлар бир сменада олиб борилади.

Бир сменага кўчиш ўқув-тарбия ишларини яхшилашда муҳим омил эканлиги бир йиллик тажрибада аққол исботланди. Шу туфайли бу муҳим тадбирни амалга оширишга жиддий эътибор берилмоқда.

Кейинги икки-уч ой ичида 20 га яқин қўшқар синф хонаси қурилиб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Ана шу синфларда қанчада 600 дан ортиқ ўқувчи таълим олади.

Шунингдек, оталик ташкилотлари ёрдами билан ҳам бир неча қўшқар хоналар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Чунинчи, «Ўзбексельмаш» заводи ўз оталигидан 105-ўнбир йиллик мактабга янги устхоналар қуриб берди. Айрим дастоҳ ва инвентарлар ҳам ана шу қорхона томонидан мактабга совға қилинди. Ремонт қилиш контраси мажбуриятининг ташаббуси билан

шу ташкилот жойлашган икки қаватли бино 3-ўрта мактаб иштироки билан алоқасини муштамлаш соҳасида қатор ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ўтган ўқув йилида райондаги деярли ҳамма мактабларда ишлаб чиқариш таълими гўза жорий қилинди. Меҳнат дарси ўтказиладиган устхоналар зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ҳозир қўшқар мактабларда ўқув-тарбия участкалари ишлаб турибди.

Район мактабларида параллель синфларни қўшиш ҳамда ўқув кабинетларини машғулотлар олиб боришга мослаб қайта қуриш натижасида яна 1020 ўқувчи қабул қилиш имкони туғилди. Қўшқар хоналарни жиҳозлаш учун 85 минг сўмлик асбоб-ускуна ва инвентарлар сотиб олинди.

Мактаб таълимининг қайта қуриш соҳасида ҳам катта ишлар қилинди. 7 йиллик мактабларига қаматириш ҳисобига 11 ва 8 йиллик мактабларига қаматирилди. Кечки ишчи-ёшлар мактабларининг сони 9 тага етди.

Аммо, шунинг ҳам эътирофи этиш керакки, кечки ишчи-ёшлар мактабларида ўзлаштириш қўнғилдиган экан. Айрим саноат қорхоналарининг раҳбарлари ёшларнинг ўқишдаги доволарлари билан сира қизиқмай қўйилди, уларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишнинг давом эттирилиши учун шайорат яратиб беролмайдилар. Масалан, биринчи текшириш фабрикаси ва Абразин заводи ана шундай ҳолини кўрмиз.

Янги ўқув йилида шу каби камчиликларнинг содир бўмаслиги учун район партия ва ҳама сова ташкилотлари ўқув-тарбия масалалари билан жиддий шугулланишлари лозим.

А. АЛИЕВ.

ЯНА БИР ЯНГИ МАКТАБ

Тошкент қишлоқ хўжалик билим юрти студентлари учун қурилган янги ётоқхона биноси яқинда фойдаланишга топширилди. Натижада студентларнинг Октябрь районидаги Чуқулачи кўчасида жойлашган собиқ ётоқхонаси ортиқчалик қилиб қолди. Билим юрти маъмурияти мажкур бинони бу йил янги очилган 159-санкиз йиллик мактаб иштирокига топширди.

Ётоқхонасини синф хоналарига мослаб қайта қуриш ҳамда

қўшқарчиларни микроучасткалар бўйлаб рўйхатга олиш ишлари барвақт тамомланди. Бу йил мактабда 600 дан ортиқ бола таълим олади. Шунингдек, райондаги 28, 119, 116, 134-мактабларнинг қўшқар синф ўқувчиларининг қўшқарчилиги ҳам янги ўқув йилидан бошлаб ана шу мактабда ўқийдилар.

Ҳозир мактаб ўзининг 23 та синф хонаси ҳамда 13 та ўқув кабинетларига эга.

М. ЗАРИПОВ.

ЎГИЛ-ҚИЗЛАРИМИЗ УЧУН

Областимиз шаҳар ва район халқ маорифи бўлими ходимлари ва умум-жамоатчилик олдига 1960—1961 ўқув йилида областдаги деярли ҳамма мактабларини бир сменада машғулотларга ўтказишда муҳим вазифа турибди. Бунинг амалга ошириш учун янги мактаб бинолари, қўшқар синф хоналари қуриш асосий вазифалардан ҳисобланади. Бу йилда аниқча мактабларини ўз оталигига олган саноат қорхоналари ва муассасалар яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

Жумладан, Октябрь район халқ маорифи бўлимига қарашли 123, 40, 133-мактабларини ўз оталигига олган 159-қурилиш трести, Узневро ва металл идишлар заводи коллективлари шу мактабларда машғулотларини бир сменага ўтказиш учун катта ёрдам кўрсатди. Уларнинг қўмағи билан мактаблар сифатли ремонт қилинди, қўшқар синф хоналари қурилди.

Лекин шунинг ҳам эътирофи қилиш керакки, райондаги айрим қорхона ва муассасалар ўз оталигидан мактабларга ана шундай яқиндан ёрдам кўрсатмайдилар. Масалан, 2-побавал фабрикаси (директори ўртоқ Нурматов), чинни заводи (директори ўртоқ Ҳусанов), 1-босмахона (ди-

ректори ўртоқ Тожиев) сингари қорхоналар раҳбарлари 16, 11, 24-мактабларда машғулотларини бир сменага кўчиришга ёрдам бермади деб ваъда беришган эди. Амалда эса ҳеч қандай ёрдам кўрсатмайдилар. Натижада бу мактабларда икки, ҳатто уч сменада машғулот ўтказишга тўғри келмоқда.

Бу йил райондаги 75, 47 ва 2-мактабларда узайтирилган кун мактаблари очилиши керак. Лекин бунинг учун ҳам ҳеч қандай тайёргарлик қилинган йўқ. Шаҳар халқ маорифи бўлими (муdiri ўртоқ Тожиев) узайтирилган кун мактабларига жузла зарур бўлган стол, стул, кроват сингари инвентарлар учун шу пайтгача ҳам маблағ ажратмади. Шунингдек, машғулотлар бир сменага кўчириладиган мактабларда ҳам кўп-да парт, доскалар етишмайди. 159, 136-мактабларда қўшқар қурилган хоналар мулкдо жиҳозланмаган. Район партия ва совет ташкилотлари, умумжамоатчилик бу камчиликларни барвақтроқ ҳал қилиши, ўғил-қизларимизнинг тўлиқ билим олишлари учун барча қўлай шайоратларни яратиб беришлари керак.

Ҳ. ШАРИПОВ.

Гўшт, сут, мўл бўлсин деб...

(Газетхонлар хабар қиладилар)

Жамоат қорвачилигини тинмай ривожлантираётган хўжаликлар шўқуларда силос бостирини, ем-хашак жамғаришга ҳам алоҳида аҳамият бермоқдалар. Бўстонлиқ райондаги «Қозғонист» ССР 30 йиллиги» колхоз аъзолари бу йил 5400 тонна силос бостирини учун курашмоқдалар. Маккажўхориюларда иш қилини, — деб ёзди М. Яхуаев,— ўрилган кўшқарларни пешма-пеш манзилга етказишда шоферлардан Эргаш Ғофуров, А. Қозғобоев ўртоқлар гайрат кўрсатмоқдалар.

Бундай хабарлар Чиноз райондаги хўжаликлардан ҳам келиб турибди. Газетхон М. Пейсенов ўз хабарига «3200 тонна пичан тайёр» деб сарлавҳа қўйибди.

— Ўтган йили совхозда ҳар бир сиргидан 4 минг килограммдан сут соғиб олинган эди,— дейди у,— бу йилги мажбурият катта. Ҳар бир сиргидан 4300 килограммдан сут соғиб олиш учун кураш кетапти. Юксак мажбуриятни шароф билан бажариш учун курашаётган қорвадорлар ем-хашак базасини муштамлашяптилар. Совхоз бўйича 5 минг тонна пичан тайёрланиши лозим. 340 гектар ердаги беда уч марта ўриб олинди, ҳозиргача 3200 тонна пичан тайёрланди.

Райондаги Ленин номи колхозининг маккажўхориюлари ҳам силос бостирини кўчайтармоқдалар. Бу ҳақда қишлоқ мўхбирлари О. Селиев, Э. Зилмуродовлар ёзиб юборишган.

Калинин райондаги «Москва», «Коммунизм», Охунбобоев номи, Хрушчев номи колхоз сўт-товар фермаларида кирсангиз, сиргилар ишрати ем-хашак билан боқиластганини кўрасиз. Бу колхозларнинг сут соғувчилари гайрат кўрсатмоқдалар.

Район партия комитети ходими Х. Асқаровнинг хабари шу район сўт соғувчиларининг фидокорона меҳнатига бағишланган. Хабардан шу нарсани билиб олдик: Сталин номи колхозининг сут соғувчилари Х. Шомирзаева, Х. Туробова, И. Исоқова, Н. Едгоров, Хрушчев номи колхоздан Р. Бузрукоева, Э. Назарова, Охунбобоев номи колхоздан У. Бўлисова, «Коммунизм» колхозидан Р. Бўронова ва бошқа ўртоқлар ҳо-

Умуман бу йил районда 6400 гектар ердаги пахта машинада терилди. Бу ишни муваффақиятли ўтказишда колхозом-ёшлар асосий кўч ҳисобланади. Яқинда бўлиб ўтган район комсомол комитетининг кенгайтирилган бюроси йилгилар-теримига ўтказишда ёшларнинг иштироки маълумоти билан муҳим ҳисобланади. Район комсомол комитетининг секретари ўртоқ М. Абдулҳакимов бошчилигида 7 кишидан иборат пост тузилди. Постнинг асосий вазифаси машина теримини планининг бажарилишини назорат қилиб боришдан иборат.

Олмалиқ, 2- «Оҳангарон» совхозининг 3- бўлими ишчилари ҳозиргача давлатга 46 тонна картошка, 40 тонна қант, 2 тонна олма, 4 тонна помидор ва бошқа маҳсулотлар етказиб беришди.

Сабзавот, картошка топириш далолати.

У. Пўлатов.

«Тошкент» наслчилик совхозининг 1-сўт-товар фермасида ҳам бундай илгир сўт соғувчилар кўп. Гуласал Жўхамуродов, Мақсуда Файзуллаева шулар жумласидандир. Улар соналестик мўсобақани кўчайтириб, меҳнат қилмоқдалар. Лекин шунинг ачинарлики,— деб давом этади қишлоқ мўхбири Б. Умаров,— бу ерда ем-хашак тайёрлаш сўт. Ҳозиргача атиги 500 тонна ем-хашак ва силос тайёрланди. Бу аҳволда ишнинг давом эттириш мумкин эмас.

Газетхонлар ҳақ гаплари айтишяпти. Илгоридадан ўртак олиб ечиш хашак тайёрлаш сўратини кўчайтириш лозим. Шунда гўшт, сут, еғин қўлайлигини учун қўлай замин яратилган бўлади.

Сиз қанча силос бостирдингиз?

25 августда Чиноз райони 829 тонна, Пискент райони 792 тонна, Янгиер шаҳри 494 тонна. Қуйи Чирчиқ райони 300 тонна, Оҳангарон шаҳри 112 тонна силос бостириб областда энг паст кўрсаткичга эришдилар. Бу район ва шаҳарлар силос бостиришда областни орқага тортмоқдалар.

(26 августгача бўлган маълумот, процент ҳисобида).

Районларнинг номи	Мажбуриятнинг бажарилиши	Районларнинг номи	Мажбуриятнинг бажарилиши
Юқори Чирчиқ	100.0	Оҳангарон	37.0
Қуйи Чирчиқ	66.0	Пискент	36.7
Янгиер	51.3	Чиноз	35.2
Ўрта Чирчиқ	48.7	Оржоникидзе	34.9
Бекобод	47.7	Ғулистон	32.1
Бўна	46.2	Калинин	28.4
Сирдарё	46.3	Олмалиқ	14.7
Оққўрғон	43.7		
Янгиёул	42.1		
Бўстонлиқ	39.3	Область бўйича	46.2

ҲАМКОРЛИК

Юқори Чирчиқ районидagi колхозларда ўтган йиллари «108 Ф» сортли чигит экилади эди. Бу йил тезинан «47 — 27С» сортли чигит экилади.

Свердлов номи, Сталин номи, «Превд», «Политотдел» ва «Ленинизм» колхозларига бу йили нав чигитни экиш ва гўзани парвариш қилиш, озиклантириш ва сугоринида олишлар катта ёрдам бермоқдалар. Хусусан янги сорт чигитини вужудга келтирган ўртоқ Борис Петрович Строуман колхоз

чиларга яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг вице-президенти ўртоқ Дадабоев ҳам район колхозларига тез-тез бўлади ва уларга бу нав пахтанинг хусусиятларини, агротехника тадбирларини тушунтириб турди.

Янги нав гўзанинг бўйи унчалик баланд эмас, кам шох ва қўшқарлари асосан ўзак шохига жойлашган. Ҳозир яхши парвариш қилинаётган гўзаларда ишга-ишга қўшқар мўл ҳосилдан дарак бермоқда.

Шунинг учун ҳам Свердлов номи колхоз аъзолари 565 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилдилар. Уларнинг бу ташаббусини бошқа колхозлар ҳам қувватладилар. «Превд», «Политотдел» колхозлари ҳар гектар ердан 45, Сталин номи, «Ленинизм» колхозларининг аъзолари 35 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдлар.

Район қишлоқ хўжалик билимининг бош оғирини В. Терешченко, Свердлов номи колхозининг агрономи аспирант Пак Су-сан, «Превд» колхозининг агрономи В. Ким, «Ленинизм» колхозининг агрономи И. Умаров ўртоқлар олишлар масалагини изчиллик билан амалга ошириш учун курашмоқдалар.

Эртанги янги нав чигит эккан бу колхозлар гўза парваришини сира бўшавтирмай давом эттирмоқдалар.

Р. ДОВУТБЕКОВ,
А. НУРМАНОВ.



Пойтахт олий ўқув юртларида янги ўқув йилига пухта тайёргарлик қилинди. Тошкент темир йўли транспортни инженерлари институтига ҳам биринчи сентябр кунига ҳамма нарсаси муҳайё. Суратда: институт биносининг ташқи кўриниши.

А. Абалин фотоси.

«ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ»
3- БЕТ 27 АВГУСТ, 1960 ЙИЛ.

